

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИНГЛИЗ ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

ГулДУ проректори

\_\_\_\_\_ Ф.Г.Шарипов

«\_\_» \_\_\_\_\_ 2019й.

**« ЎҚИШ ВА ЁЗИШ АМАЛИЁТИ »**

**фани бўйича**

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

100000 – Гуманитар соҳа

110000 – Педагогика

5111400 – Хорижий тил ва адабиёти (Инглиз тили)

3 – Курс

5-6 – Семестр

Умумий ўқув соати – 144

Шу жумладан:

Амалиёт машғулотлари – 72 +36

Мустақил таълим соати - 50

**ГУЛИСТОН – 2019 й.**

Фаннинг ишчи ўқув дастури намунавий ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

**Тузувчи: Хакимова Ш.Р.** – ГулДУ “Инглиз тили ва адабиёти”

кафедраси ўқитувчиси \_\_\_\_\_ (имзо)

**Тақризчи: Тожиев Х.** – ГулДУ ф.ф.н., “Инглиз тили ва адабиёти”

кафедраси доценти \_\_\_\_\_ (имзо)

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Инглиз тили ва адабиёти” кафедрасининг 2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ - сонли мажлисида кўриб чиқилиб, факультет Илмий-услубий Кенгашида кўриб чиқиш учун тавсия қилинди.

**Кафедра мудир**

**Б.Султонов**

Фаннинг ишчи ўқув дастури Чет тиллар факультети Илмий-услубий Кенгашининг 2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги “\_\_\_” - сонли мажлисида тасдиқланди.

**Факультет Илмий-услубий**

**Кенгаши раиси:**

**М.Маматкулов**

## КИРИШ

Фан, техника ва технологиялар ютуқлари асосида таълим тизимини ислоҳ қилишда давр синовларидан ўтган илғор тажрибаларни ўрганиш ҳамда миллий ва умуминсоний кадрларни эътиборга олган ҳолда уларнинг жорий этилишини таъминлаш рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг муҳим омили саналади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида “Олий таълим муассасаларида чет тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар дастури” ишлаб чиқилган бўлиб, унда чет тиллар бўйича Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириш ва босқичма-босқич ўқув жараёнига татбиқ этиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги ҳужжатида тил эгаллашга қўйиладиган талаблар ва мезонлар эътиборга олинган ҳолда Ўзбекистон узлуксиз таълим тизимида чет тилларини ўрганишнинг ягона мақсад ва вазифалари белгиланиб, чет тиллари бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчилари тайёргарлик даражасига қўйиладиган Давлат таълим стандарти талаблари ишлаб чиқилди. Чет тилини эгаллаш даражаларини ўзида акс эттирган мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги “Чет тиллар бўйича таълимнинг барча босқичлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар” тўғрисидаги 124-сонли қарори билан тасдиқланди.

Мазкур дастурни ишлаб чиқишда Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэтироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR – Common European Framework of Reference) ва Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида чет тилларни ўрганишга қўйиладиган талаблар эътиборга олинди. Унда **чет тилини ўқитишга ихтисослашган таълим йўналишлари битирувчилари** олий таълим муассасасидаги тўрт йиллик тахсиллари ниҳоясида ўрганган чет тили бўйича C1 даражани эгаллашлари минимум сифатида белгилаб қўйилган. Шунингдек, тегишли таълим йўналишларининг малака талабларида талабаларнинг тайёргарлик даражаси, билим, малака ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар ҳамда турдош олий таълим муассасалари мутахассислари томонидан билдирилган таклифлар инобатга олинди.

### **Фаннинг мақсад ва вазифалари**

**Мазкур фаннинг мақсади талабаларга** касбий йўналиш доирасида тилнинг оғзаки ва ёзма шакллари ўргатиш, уларнинг ижтимоий-маданий мулоқот малакаларини ривожлантириш, хусусан ўрганилаётган чет тилининг функционал шакллари ва услубларини, тил тўғрисидаги амалий ва назарий билимларини такомиллаштириш ҳамда эгалланган билим, кўникма, малакаларини касбий ва илмий фаолиятда эркин қўллай олишларини таъминлашдир. Фаннинг **асосий вазифаси** умумэтироф этилган халқаро меъёрларга кўра талабаларнинг ўрганилаётган чет тилини C1 даражада эгаллашлари учун зарурий билимларни интеграллашган тарзда ўргатиш ва мулоқот малакаларини ривожлантиришдир.

### **Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

Мазкур дастур бўйича таълим олган талабанинг:

- Чет тилини Умум Европа стандартларига кўра C1 даражада ўзлаштириши;

- ўрганилаётган чет тилида ўқиш, тинглаб тушуниш, гапириш ва ёзиш кўникмаларини эгаллаши;
- ўрганилаётган чет тилининг халқаро мулоқотдаги роли;
- тил ўрганиш жараёнлари ҳамда уларнинг тил ўрганишдаги роли ва аҳамияти;
- ўқув материалларини танқидий таҳлил қилиш, баҳолаш, муайян шароитга мослаштириш ва янгиларини ярата олиш;
- дарсни режалаштиришда изчилликни таъминлаш ҳамда режа асосида машғулот олиб бориш;
- чет тилини ўқитишнинг турли услублари ва тил ўқитишдаги турли ёндашувлар;
- тил ўқитилаётган гуруҳ ва шароитга мос равишда ўқитиш услубларини танлаш ва тўғри қўллаш олиш;
- таълим олувчилар билимини баҳолашнинг турли шакл ва методлари;
- ўзининг ўқув ва педагогик фаолиятини баҳолай олиш ва рефлексия кўникмаларини қўллаш олиш;
- ўз фаолияти бўйича илмий тадқиқот олиб бориш;
- тилни англаш ва тил таҳлили соҳаларидан педагогик мақсадларда фойдалана олиш;
- маданиятлараро компетенция ва унинг чет тилини ўқитишдаги роли бўйича тасаввур, билим, малака ва кўникмаларга, компетенцияларга эга бўлиши талаб этилади.

#### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

Асосий ўрганилаётган тил (инглиз, немис, француз, испан тиллари) фани мазкур таълим йўналиши ўқув режасидаги бошқа ихтисослик фанлари билан ўзаро боғлиқ бўлиб, модуллар кетма-кетлиги ва мазмунига мос равишда 1-8 семестрлар давомида ўқитилади. Мазкур фан умумқасбий фан ҳисобланади ва тўрт йил давомида модулларга ажратилган ҳолда ўргатилади. Ўқув режанинг адабиётшунослик, методика, мамлакатшуносликка оид курслари ва ўрганилаётган чет тилининг назарий курслари - умумий тилшунослик, стилистика ва матн таҳлили, назарий фонетика, қиёсий типология, назарий грамматика фанларидан зарурий билимларни эгаллашда ушбу фан модуллари бўйича ўзлаштирилган кўникма ва малакалар муҳим аҳамият касб этади.

## **Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

“Асосий ўрганилаётган тил” фани “Хорижий тил ва адабиёти” (роман-герман филологияси), “Филология ва тилларни ўқитиш” (роман-герман филологияси), Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) таълим йўналишларининг асосий умумқасбий фани ҳисобланади. Олий таълим муассасасини ушбу таълим йўналишлари бўйича тамомлаган бакалаврлар Республикамиз узлуксиз таълим тизимида ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланадилар. Шунингдек, хорижий қўшма корхоналар, халқаро ташкилотлар ва уларнинг республикамиздаги бўлимлари, элчихона ва консулликлар, сайёҳлик агентликлари, нашриёт ва таҳририятлар, нотариал идоралар, таржимонлик бюрolariда касбий фаолият олиб борадилар.

## **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Фанни ўқитишда шахсга йўналтирилган таълим методи ва чет тилини ўқитишга коммуникатив ёндашувдан максимал даражада фойдаланиш талаб этилади.

Машғулотларда дарслик ва ўқув қўлланмалардан ташқари аутентик материаллар: аудио, видео, газета ва журналлар, интернет манбаларидан, интерактив усулларни қўллаган ҳолда ақлий хужум, кейс-стади, лойиҳалар тайёрлаш, ролли ўйин, дебатлар, презентация методларидан кенг фойдаланилади.

### **Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш**

“Асосий ўрганилаётган тил” (инглиз, немис, француз, испан тиллари) фани бўйича талабалар билими рейтинг тизими асосида баҳоланади. Дастурда модуллар бўйича ўзлаштирилган билимларни баҳолаш турлари ва шакллари келтирилган. Улар ўқув материаллари тўлиқ ва самарали ўзлаштирилганлигини назорат қилишда ягоналик ва тизимлиликни таъминлайди.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Фаннинг амалий машғулотлари мазмуни**

#### **1. Ўқиш модули**

Ўқиш модули талабаларга 1-5 семестрлар давомида ўқитилади ва боқичма-босқич талабалар Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэтироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR) га кўра B1дан B2+ бўлган даражага мос келадиган мавзуларга оид турли матн турларини ўқиб, мазмунини тушунишлари назарда тутилади.

Ўқиш модули бўйича талаба босқичма-босқич қуйидаги **билим** ва **қўникмаларни** эгаллаши шарт:

- тушуниш ва муҳокама қилиш учун босқичма-босқич турли матн турлари (ҳикоялар, журнал ва газета мақолалари, янгиликлар баёни, интернет матнлари ва ҳоказолар ) билан ишлаш усуллари ўзлаштириши;
- матнни тушуниш мақсадида турли стратегияларни (асосий фикрларни англаш учун ўқиш, ғояни билиш учун ўқиш, махсус маълумотни олиш учун ўқиш) эгаллаши;
- бадиий адабиётларни (биринчи курсда кичик ҳикоялар ва шеърлар иккинчи ва учинчи курсдан романлар) шу жумладан, замонавий бадиий матнларни қийналмасдан ўқий олиши ва босқичма-босқич уларда тасвирланган сиёсий, ижтимоий, маънавий, тарихий жараёнларни тушуна олиши;
- ўқиш, тушуниш ва муҳокама қилиш учун берилган катта ҳажмдаги матн билан ишлай олиши ва тегишли хулоса чиқара олиши;
- ўқиш жараёнида ёзма баёнот, ҳисобот, маърузаларда келтириб ўтилган фикр-мулоҳазаларга ҳамда ўз фикрларига таяниб таҳлил ва муҳокама қилиш;
- айрим ўринларда луғатлар билан ишлаган ҳолда турли жанр ва соҳаларга оид мураккаб матнларни ўқиб, тушуниб, таҳлил ва муҳокама қила олиши;
- ўз соҳаларига оид турли матн турларини (кичик ҳикоялар, журнал ва газета мақолалари, янгиликлар баёни, интернет матнлари) ўқиб, матн юзасидан хулоса чиқара олишлари;
- матнлардаги фикрларни, муаллиф ғоясини ва муболағани аниқлашлари;
- маданият ва санъатга оид мавзулардаги (фильм, театр, бадиий адабиёт) мақола ва тақризларни ўқиб, ундаги асосий фикрларни айта олиши;
- ўқиш жараёнида учраши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаб, уларни тўла бартараф этиши;
- берилган махсус матнлардаги маълумотлар, ғоялар ва фикрларга таяниб, мустақил тарзда илмий маъруза тайёрлай олиши.

Матн турлари (имкон даражасида аутентик, оригинал матнлар, касбга йўналтирилган материаллар)

- газета ва журналлардаги мақолалар (янгиликлар, маърузалар, катта ҳажмдаги мақолалар, халқаро илмий журналларда ўрганилаётган чет тилида чоп этилган мақолалар);
- таҳлил баён этилган қисқа маълумотлар;
- шеърлар
- асарлардан келтирилган парчалар;
- интернет матнлари (блоглар, вебсайтлар);
- қўлланмалар, инструкциялар (техник восита ва асбоблар учун);
- энциклопедик мақолалар;
- профессионал мавзулардаги мақолалар (чет тили ўқитиш, ўқитиш муаммолари, методлари, ўқитиш тизимидаги янгиликлар ёритиладиган журналларда берилган мақолалар);
- маърузаларда келтириб ўтилган ғояга нисбатан билдирилган фикрлар ва муҳокам қилинган ҳисоботлар

Ўқиш мақсадлари

- экстенсив ўқиш (бадий ўқиш)
- интенсив ўқиш (маълумот учун ўқиш, тушуниш учун ўқиш)
- тайёрланган дарс режаларининг муайян контекстга мувофиқлигини баҳолаш;
- маълум контекст учун дарс режасини тузиш

Ўқиш стратегиялари

- хулоса яшаш, “қаторлар ораси” маънони англаш
- тез ўқиш
- хулоса қилиш ва ёзма баён этиш
- муаллиф фикрини ёқлаш ёки инкор қилиш ва уни асослаш;
- таҳлил қилиш;
- синтез қилиш;
- ўқиш сифатини аниқлаш

Ўқитиш методикаси

- амалий вазифалар;
- долзарб мақолалар муҳокамаси;
- турли жанрдаги матнларни таҳлил қилиш;
- интернет матнлари билан ишлаш;
- ўқиш кўникмасини баҳоловчи тестлар;
- мустақил ўқиш

### **Модулнинг информацион-услубий таъминоти**

Талабалар ўрганилаётган чет тилида мослаштирилмаган (соддалаштирилмаган) аутентик матнлар, шу жумладан, лингвистик курс мавзуларидан (ЛМР) келиб чиққан холда танланган газета ва журнал мақолалари, оригинал хат, брошюра, эълон кабилар билан кўпроқ ишлашлари лозим. Бироқ ўқиш вазифалари талабаларнинг тил билиш даражасига кўра мослаштирилиши мумкин. Ушбу аутентик материалларни қидиришга, улар асосида вазифалар ишлаб чиқишга талабаларни ҳам жалб этиш мумкин. Ўқишга ёрдам бериш мақсадида матн бўйича қизиқарли, ҳаётий саволлар бериш, жоиз бўлса унда учрайдиган янги сўзлар маъносини ўргатиш, ўқиладиган матн мазмунига тааллуқли топшириқлар берилиши мақсадга мувофиқ.

Матнни ўқиш жараёнида бериладиган вазифа ва топшириқлар асосий ғояни топишга, маълум деталларни излашга ундаши лозим. Масалан, матнни ўқиб саволларга жавоб бериш, ёки матндан келиб чиқиб берилган жадвални тўлдириш, берилган гапларнинг тўғри/нотўғри эканлигини баҳолаш, гапларни керакли сўзлар билан тўлдириш каби вазифалар шулар жумласидандир.

Матн ўқилгандан кейин бериладиган вазифалар талабаларни матнни ҳар томонлама муҳокама қилишга ундаши керак. Бундан ташқари талабалар ўз фикр мулоҳазаларини, ҳис- туйғуларини бир-бирларига билдира олишлари ва кўпчилик олдида эркин ифодалай олишлари лозим.

Шунингдек, талабалар ўқиган бадий асарларини биргаликда муҳокама қилишлари ва қайси бадий асарларни ўқишни хоҳлашлари ва нима учун айнан шу асарни танлаганларини муҳокама қилишлари мумкин.

Бадий ўқиш талабаларнинг зарурий ўқиш кўникмаларини ривожлантириб, уларнинг самарали ўқиш стратегияларига эга бўлган китобхонга айланишларига имкон яратади.

### **Эришиладиган натижалар**

Талабаларнинг қуйидаги натижаларга эришишлари назарда тутилади:

- курс давомида ўтилган мавзуларга (ЛМР) оид турли матнлардаги асосий ғояларни тушуна оладилар;
- самарали ўқиш стратегияларини эгаллаган ҳақиқий китобхон малакаларига эга бўладилар.



## 2. Ёзма нутқ амалиёти модули

Ёзма нутқ амалиёти модули 1-6 семестрлар давомида ўқитилади. Биринчи курс якунида талабалар CEFR талабларига кўра ёзиш кўникмаларини B1(+) даражада эгалласалар, 3-курс якунига келиб CEFR B2-C1 даражаси талабига жавоб берувчи турли матнларни ёза олиш маҳоратига эга бўладилар.

Модул нихоясида талаба босқичма-босқич қуйидаги **билим ва кўникмаларни** эгаллаши лозим:

- турли жанрдаги ёзма матнларни, жумладан таклифнома, таржимаи ҳол, шахсий ва расмий хатларни ва аризалар тўғри ёзишни ўрганиши ва ушбу матнларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаши;
- эшитган, кўрган ва ўқиган мавзуси асосида қисқа иншолар ёза олиш кўникмасини босқичма-босқич ривожлантириб бориши;
- гапларни грамматик жиҳатдан тўғри тузиши;
- жумлаларни бир-бирига боғлаш учун ишлатиладиган боғловчилар, кириш сўзларидан тўғри фойдаланиши;
- иншонинг тузилиши (кириш, асосий қисм ва хулоса), унинг мантикий узвийлиги ва яхлитлигини таъминлай олиши;
- ёзма нутқда матн жанрига ҳамда мақсадига мувофиқ расмий ёки норасмий услубни танлаб, ёза олиши;
- ўз фикр ва мулоҳазаларини лингвистик курс мавзуларидан (ЛМР) келиб чиққан ҳолда мўлжалланган иншо мавзулари бўйича ёзма равишда аниқ ва мантикий баён этиши;
- қиёсий, таҳлилий ва танқидий турдаги баёнларни режалаштира олиши ва уларда ўз фикрларини далиларга асосланган тарзда ёзиши;
- умумий ва ўзларига яқин мавзудаги мақолаларни, учинчи босқичда эса, касбга доир илмий мақолаларни қисқачи мазмунини ёзиш;
- китоб ёки фильмларнинг мазмунини танқидий фикрларга асосланган ҳолда ёзма баён эта олиши ва уларга қисқа тақриз ёза олиши;
- ёзма нутқдаги турли услублардан маҳорат билан фойдаланиш;
- ўз ёзма нутқини таҳрир қилиш ва текшириш орқали она тили интерференцияси муаммоларини анқилаши ва бартараф этиши;
- режалаштириш, баҳолаш, таҳрир қилиш ва қайта кўриб чиқиш малакасига эга бўлиши шарт.

## 3 курс давомида

Фактларга асосланган ёзма нутқ:

- ҳисоботлар (учрашув ҳисоботлари, ташриф ҳисоботлари);
- тадқиқот ҳисоботлари;
- яхши ва ёмон томонларини баҳолаш ва таҳлилий ҳисобот

Иншолар:

- фикр билдирувчи иншо;
- “қарши ёки қарши эмаслик фикрини баён этувчи” иншо
- баҳс мунозарали иншо тури
- танқидий баёнлар 2-курсдагига қараганда батафсил ва кенг бўлиши лозим;
- воқеа-ходисалар шарҳи;
- мақола шарҳи

Хатлар ва расмий ҳужжатлар:

- расмий хатлар;
- ариза;
- илова хати;
- тавсиянома;
- тушунтириш хати ва б.

Ўқиш ва ўқитишга ёндашув

- топшириқларга асосланган амалий иш;
- турли матнлар таҳлили ( газета, журнал мақолалари)
- матнларни ўрганилаётган чет тили ва она тилида параллел, қиёслаган ҳолда таҳлил қилиш;
- дарсдан ташқари ёзма вазифалар;

Ёзма нутқ жараёни:

- ёзма нутқ учун тайёргарлик машқлари;
- дастлабки (хомаки);
- ўзаро қайта кўриб чиқиш;
- ўз-ўзини баҳолаш

### **Модулнинг информацион-услубий таъминоти**

Мазкур модул давомида талабалар яқка ҳолда, жуфтликда ва кичик гуруҳларда ишлайдилар. Ҳар бир ёзма иш 4 та босқичда ташкил этилади: ёзма иш режасини тузиш, дастлабки (хомаки) вариантини ёзиш ва ўқитувчидан ёки гуруҳдошидан тақриз олиш, таҳрир қилиш ва хатолар устида ишлаш, қайта ёзиш. Мулоқот учун ёзишга катта аҳамият берилган ҳолда, модулда дарслар кўйидаги вазифаларга асосланиши мумкин:

- турли интерактив методларга асосланган вазифалар;
- турли ёзма матнлар намуналарини таҳлил қилишга қаратилган машқлар;
- ёзиш жараёнида эътиборга олиниши керак жиҳатларни таҳлил қилиш:

### **Эришиладиган натижалар**

- ёзиш жараёнини тўғри ташкил эта олади, шу жумладан, режа тузиш (режалаштириш), ишларни таҳрир қилиши, тузатишлар кирита олади;
- ўтилган мавзулар бўйича турли жанрдаги матнларни, жумладан эсселар, хатлар, тадқиқотлар, баёнлар ва таҳлилларни ёза олади ва энг яхши ёзма иш намуналарини тўплайди;
- аъло даражада ёзилган матн хусусиятларини фарқлайди ва уларни амалда қўллайди;
- ёзма нутқда ўз фикрини бемалол ифодалай олади;
- иншолар, баёнлар, кундалик ёзиш орқали мантиқий фикрлаш ва мустақил мушоҳада юритиш кўникмаларини эгаллайди.

**Фандан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган соатларнинг тақсимоти**

№	Машғулотлари мазмуни	Соатлар:				
		Жами:	Маъруза:	Семинар:	Амалий:	Мустақил таълим:
	<b>V – семестр</b>					
	<b>Writing</b>					
1	Letters and official documents.	2			2	
2	Writing application form.	4			2	2
3	Written request.	2			2	
4	Follow up letter.	2			2	
5	Letter of confirmation.	4			2	2
6	Recommendation.	2			2	
7	Reference.	4			2	2
8	Explanatory note.	4			2	2
9	Writing reports based on facts.	2			2	
10	Report on visit.	4			2	2
11	Report on meeting.	4			2	2
12	Report on event.	4			2	2
13	Report on research.	4			2	2
14	Report on scientific discovery.	4			2	2
15	Report based on analysis of positive & negative sides 1.	4			2	2
16	Report based on analysis of positive & negative sides 2.	4			2	2
17	Opinion essay. Rules.	4			2	2
18	Opinion essay. Examples.	4			2	2
	<b>Reading</b>					
1	Reading authentic articles.	2			2	
2	Reading newspaper articles.	2			2	2
3	Reading articles from magazines.	2			2	
4	Reading scientific articles.	2			2	
5	Reading analytical articles.	2			2	
6	Reading poems.	4			2	2
7	Reading passages from literary works 1.	4			2	2
8	Reading passages from literary works 2.	4			2	2
9	Reading passages from internet blogs 1.	4			2	2
10	Reading passages from internet blogs 2.	4			2	2
11	Reading instruction about technical equipment.	4			2	2
12	Reading encyclopedia entries 1.	2			2	2
13	Reading encyclopedia entries 2.	2			2	
14	Reading professional articles on methodology.	4			2	2
15	Reading professional articles on methodology.	2			2	
16	Reading scientific lectures 1.	4			2	2
17	Reading scientific lectures 2.	4			2	2
18	Revision.				2	2

	<b>Жами 5-семестр:</b>	<b>122</b>			<b>72</b>	<b>50</b>
	<b>VI – семестр</b>					
	<b>Writing</b>					
1	Descibing tables.	4			2	2
2	Describing charts.	2			2	
3	Discursice essay.	2			2	
4	Essays Suggesting solutions to problems.	2			2	2
5	Reflective essay.	2			2	
6	Assessment reports.	2			2	
7	Informative reports.	4			2	2
8	Survey reports.	2			2	
9	Proposal reports.	4			2	2
10	Writing article. First stage.	4			2	2
11	Writing article. Gathering opinions.	2			2	
12	Writing article. Meaningful writing.	2			2	
13	Writing article. Editing.	4			2	2
14	Report based on analysis of positive & negative sides 1.	2			2	
15	Report based on analysis of positive & negative sides 2.	2			2	
16	Report based on analysis of positive & negative sides 3.	2			2	
17	Report based on analysis of positive & negative sides 4.	2			2	
18	Reviews.	4			2	2
19	News reports.					
20	Letter of request.	8			2	6
21	Letters giving information.	2			2	
22	Letters of advice.	8			2	6
23	Letters making suggestions.	2			2	
24	Letters of complaint.	8			2	6
25	Letters of apology.	2			2	
26	Choosing sources.	8			2	6
27	Academic language.	2			2	
28	Writing reports based on facts.	2			2	
29	Report on visit.	4			2	2
30	Report on meeting.	2			2	
31	Report on event.	4			2	2
32	Report on scientific research 1.	2			2	
33	Report on scientific research 2.	4			2	2
34	Preparing material for research.	4			2	2
35	Writing feedbacks.	4			2	2
36	Revision	2			2	2
	<b>Жами 6 семестр:</b>	<b>122</b>			<b>72</b>	<b>50</b>

## Баҳолаш турлари ва шакллари

### 5- семестр

Б. Ўқиш ва ёзиш амалиёти	1. Ўқиш модули	2. Ёзма нутқ амалиёти
Жорий назорат 40%	<i>Талабанинг фаоллиги мезон асосида баҳоланади (1- илова) 10%</i>	
	<i>тақдимот ва келгусида ўқиш малакасини ривожлантириши бўйича ишлаб чиқилган режа-10%</i>	<i>инишонинг якуний варианты -15%</i>
Оралиқ назорат 30%	<i>тақриз (бадий асар (роман)нинг ижтимоий, маданий ва тарихий негизини таҳлил қилиш ва ёритиб бериш)- 15%</i>	<i>ижтимоий муаммони ўрганишга асосланган тадқиқот ҳисоботи-15%</i>
Якуний назорат 30%	<i>1 ва 2 модулар асосида тест (ўқиш кўникмасининг шаклланганлигини назорат қилиш бўйича тест ва ёзма топшириқ (баён, иншо))</i>	

### 6- семестр

Б. Ўқиш ва ёзиш амалиёти	2. Ёзма нутқ амалиёти
Жорий назорат 40%	<i>маълумотларга асосланган танқидий баён воқеа-ҳодисалар тўғрисида ҳисобот - 20%</i>
	<i>синфда берилган газета мақоласини танқидий таҳлил қилиш - 20%</i>
Оралиқ назорат 30%	<i>илова хати-15% тавсиянома - 15%</i>
Якуний назорат 30%	<i>иншо, жуфтликда берилган ўзаро ёзма тақриз билан - 30%</i>

### Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

### Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режада режалаштирилмаган.

### Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

“Асосий ўрганилаётган тил” фани таркибидан талабаларни мустақил таълим олишга ўргатувчи махсус модул (мустақил таълим кўникмалари) ўрин олган бўлиб, талабалар биринчи курсдан бошлаб мазкур фанни ўрганадилар. Шунингдек, ҳар бир ишчи ўқув дастурида талабанинг мустақил ўқиб ўрганишига вазифа ва топшириқлар кўрсатиб ўтилади ва уларни бажариш учун аниқ кўрсатмалар мисоллар ёрдамида берилади. Тилни ўрганиш жараёнида талаба интерфаол усуллар воситасида мустақил таълим олишга

### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

Мустақил иш мавзулари фан ўқитувчиси ва талабалар томонидан ишлаб чиқилади. Мавзулар талабани мустақил билим олишга онгли равишда йўналтириши лозим. Бунда:

- сенсор таълим услублари (визуал, аудио, кинестет, тактил);
- таълим услубларининг Хани ва Мамфорд таснифи (назариётчи, фаол иштирокчи, рефлексор, прагматик);
- интроверт ва экстраверт;
- яхши билим олиш учун таълимнинг самарали услубларидан оқилона фойдаланишга асосий эътибор қаратилади.

### **Ўз-ўзини баҳолашда:**

- ✓ ўзининг тил билиш даражасини умумэтироф этилган халқаро меъёрлар (CEFR) га мувофиқ баҳолаш;

Мақсадларни тўғри қўйишда:

- ✓ СМАРТ мақсадлар;
- ✓ чет тилини ўрганишдан мақсадни тўғри белгилаш

Рефлексия:

- ✓ таълим муассасаси ва ундан ташқарида вақтдан унумли фойдаланиш;
- ✓ стресс (рухий зўриқиш) га қарши курашиш;

Вазифалар устида ишлаш жараёнида:

- ✓ вазифаларни аниқлаш ва персонализация қилиш;
- ✓ кутубхоналардан унумли фойдаланиш;
- ✓ интернетдан мақсадли ва самарали фойдаланиш;
- ✓ плагиат (кўчирмакашлик) га йўл қўймаслик;
- ✓ хотирани яхшилаш;
- ✓ топшириқлар ва тестга тайёргарлик қўриш;
- ✓ таълим кўникмаларини босқичма-босқич эгаллаб бориш;
- ✓ амалий вазифаларни бажариш;
- ✓ мустақил ўқиш;
- ✓ долзарб мавзулар муҳокамаси;
- ✓ матнлар /мақолалар/видео материалларни танқидий муҳокама қилиш;
- ✓ талаба портфолиосига алоҳида аҳамият берилади.

### **Дастурнинг информацион – услубий таъминоти**

Мазкур дастурда ҳар бир модул мазмунидан сўнг машғулотларни самарали ташкил этиш ва мавзуларни ўқитиш технологиялари келтирилган. Амалий машғулотларда ақлий хужум, кластер, блиц-сўров, кичик гуруҳларда ишлаш, инсерт, презентация, кейс стади каби усуллардан кенг фойдаланилади. Модуллар 100% ўрганилаётган тилда ўқитилади. (Ҳар бир модулнинг хусусиятидан келиб чиқиб, информацион-услубий таъминот бўйича ҳар бир модулда берилган кўрсатмаларга қаралсин)

## РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ

### Рейтинг назорати жадвали (5-семестр)

№	Вазифа	Сони	Балл	Умумий балл
<b>1. Жорий Назорат (ЖН)</b>				
<b>1.1</b>	Талаба фаоллиги	10	2	<b>20</b>
<b>1.2</b>	Такдимот	1	10	<b>10</b>
<b>1.3.</b>	Иншо	1	10	<b>10</b>
<b>ЖН Жами:</b>				<b>40</b>
<b>2. Оралиқ Назорат (ОН)</b>				
<b>2.1</b>	Тақриз (Бадий асар асосида)	1	15	<b>15</b>
<b>2.2</b>	Тадқиқот хисоботи	1	15	<b>15</b>
<b>ОН Жами:</b>				<b>30</b>
<b>3. Якуний Назорат (ЯН)</b>				
<b>3.1</b>	Ёзма шакли ёки тест	1	30	30
<b>ЯН Жами:</b>				<b>30</b>
<b>Жами (ЖН+ОН+ЯН):</b>				<b>100</b>

### 4.2. Рейтинг жадвали (5-семестр)

№	ЖН 70%	Сентябрь				Октябрь				Ноябрь				Декабрь				Январь					
		4-9	11-16	18-23	25-30	2-7	9-14	16-21	23-28	30-4	6-11	13-18	20-25	27-2	4-9	11-16	18-23	25-30	15-20		22-27	29-3	5-10
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18		19	20	21
1	Фаоллиги	2	2	2	2	2	2	2	2	2													<b>20</b>
	Такдимот										10												<b>10</b>
	Иншо														10								<b>10</b>
	ОН								15									15					<b>30</b>
2	ЯН – 30%																					30	<b>30</b>
<b>Жами</b>		<b>12</b>				<b>33</b>				<b>25</b>												<b>30</b>	<b>100</b>
<b>Жами ГП бўйича</b>		<b>12</b>				<b>45</b>				<b>70</b>												<b>30</b>	<b>100</b>

**Эслатма:** 5-семестрда ўқитиладиган “Ёзма нутқ амалиёти ва ўқиш” фанининг ўқув ҳажми 127 соатни ташкил этганлиги сабабли фан коэффиценти 1,27 бўлади. Фан бўйича ўзлаштиришни аниқлашда талаба тўплаган бали 1,27 га кўпайтирилади ва бутунгача яхлитлаб олинади.

Баҳо	5	4	3	2
<b>Рейтинг</b>	86-100	71-85	55-70	< 55
<b>Фанни ўзлаштириш кўрсаткичлари</b>	109-127	90-108	70-89	<70

### Рейтинг назорати жадвали (6-семестр)

№	Вазифа	Сони	Балл	Умумий балл
<b>1. Жорий Назорат (ЖН)</b>				
1.1	Маълумотларга асосланган танқидий баён воқеа-ходисалар тўғрисида ҳисобот	2	10	<b>20</b>
1.2	Синфда берилган газета мақоласини танқидий таҳлил	1	20	<b>20</b>
<b>ЖН Жами:</b>				<b>40</b>
<b>2. Оралиқ Назорат (ОН)</b>				
2.1	Илова хати	1	15	<b>15</b>
2.2	Тавсиянома	1	15	<b>15</b>
<b>ОН Жами:</b>				<b>30</b>
<b>3. Якуний Назорат (ЯН)</b>				
3.1	Ёзма шакли ёки тест	1	30	30
<b>ЯН Жами:</b>				<b>30</b>
<b>Жами (ЖН+ОН+ЯН):</b>				<b>100</b>

### 4.4. Рейтинги жадвали (6-семестр)

№	Февраль				Март				Апрель				Май				Июнь					
	12-17	19-24	26-3	5-10	12-17	12-17	19-24	26-3	5-10	12-17	12-17	19-24	26-3	5-10	12-17	12-17	19-24	26-3	5-10	12-17	23-28	
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	
1	ЖН 70%	Баён				10						10										
		Таҳлил																	20			
		ОН							15									15				
2	ЯН – 30%																				30	<b>30</b>
<b>Жами</b>		<b>10</b>				<b>25</b>				<b>35</b>								<b>30</b>	<b>100</b>			
<b>Жами ГП бўйича</b>		<b>10</b>				<b>35</b>				<b>70</b>								<b>30</b>	<b>100</b>			

*Эслатма:* 6-семестрда ўқитиладиган “Ёзма нутқ амалиёти ва ўқиш” фанининг ўқув ҳажми 127 соатни ташкил этганлиги сабабли фан коэффиценти 1,27 бўлади. Фан бўйича ўзлаштиришни аниқлашда талаба тўплаган бали 1,27 га кўпайтирилади ва бутунгача яхлитлаб олинади.

Баҳо	5	4	3	2
<b>Рейтинг</b>	86-100	71-85	55-70	< 55
<b>Фанни ўзлаштириш кўрсаткичлари</b>	109-127	90-108	70-89	<70



#### 4.5. Талабалар билимини баҳолаш мезони

Баҳо	Мезон
100-86 (Аъло)	<p>Турли жанрдаги ёзма матнларни, жумладан таклифнома, таржимаи ҳол, шахсий ва расмий хатларни ва аризалар тўғри ёзиш; эшитган, кўрган ва ўқиган мавзуси асосида қисқа иншолар ёза олиш; гапларни грамматик жиҳатдан тўғри тузиш; жумлаларни бир-бирига боғлаш учун ишлатиладиган боғловчилар, кириш сўзларидан тўғри фойдаланиш; иншонинг тузилиши (кириш, асосий қисм ва хулоса), унинг мантикий узвийлиги ва яхлитлигини таъминлай олиш; ёзма нутқда матн жанрига ҳамда мақсадига мувофиқ расмий ёки норасмий услубни танлаб, ёза олиш; ўз фикр ва мулоҳазаларини лингвистик курс мавзуларидан келиб чиққан ҳолда иншо мавзулари бўйича ёзма равишда аниқ ва мантикий баён этиш; қиёсий, таҳлилий ва танқидий турдаги баёнларни режалаштира олиш ва уларда ўз фикрларини далиларга асосланган тарзда ёзиш; умумий ва ўзларига яқин мавзудаги мақолаларни, учинчи босқичда эса, касбга доир илмий мақолаларни қисқачи мазмунини ёзиш; китоб ёки фильмларнинг мазмунини танқидий фикрларга асосланган ҳолда ёзма баён эта олиши ва уларга қисқа тақриз ёза олиш; ёзма нутқдаги турли услублардан маҳорат билан фойдаланиш; ўз ёзма нутқини таҳрир қилишга текшириш орқали она тили интерференцияси муаммоларини аниқлаш ва бартараф этиш; режалаштириш, баҳолаш, таҳрир қилиш ва қайта кўриб чиқиш каби мавзулардан иборат бўлади; тушуниш ва муҳокама қилиш учун босқичма-босқич турли матн турлари (ҳикоялар, журнал ва газета мақолалари, янгиликлар баёни, интернет матнлари ва ҳоказолар) билан ишлаш; матнни тушуниш мақсадида турли стратегияларни (асосий фикрларни англаш учун ўқиш, ғояни билиш учун ўқиш, махсус маълумотни олиш учун ўқиш); бадиий адабиётларни (биринчи курсда кичик ҳикоялар ва шеърлар иккинчи ва учинчи курсдан романлар) шу жумладан, замонавий бадиий матнларни қийналмасдан ўқий олиши ва босқичма-босқич уларда тасвирланган сиёсий, ижтимоий, маънавий, тарихий жараёнларни; ўқиш, тушуниш ва муҳокама қилиш учун берилган катта ҳажмдаги матн билан ишлай олиш ва тегишли хулоса чиқариш; ўқиш жараёнида ёзма баёнот, ҳисобот, маърузаларда келтириб ўтилган фикр-мулоҳазаларга ҳамда ўз фикрларига таяниб таҳлил ва муҳокама қилиш; айрим ўринларда луғатлар билан ишлаган ҳолда турли жанр ва соҳаларга оид мураккаб матнларни ўқиб, тушуниб, таҳлил ва муҳокама қила олиш; ўз соҳаларига оид турли матн турларини (кичик ҳикоялар, журнал ва газета мақолалари, янгиликлар баёни, интернет матнлари) ўқиб, матн юзасидан хулоса чиқара олиш; матнлардаги фикрларни, муаллиф ғоясини ва муболағани аниқлаш; маданият ва санъатга оид мавзулардаги (фильм, театр, бадиий адабиёт) мақола ва тақризларни ўқиб, ундаги асосий фикрларни айта олиш; ўқиш жараёнида учраши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаб, уларни тўла бартараф этиш; берилган махсус матнлардаги маълумотлар, ғоялар ва фикрларга таяниб, мустақил тарзда илмий маъруза тайёрлай олиш каби етакчи мавзулар ташкил этади.</p>
85-71 (Яхши)	<p>Турли жанрдаги ёзма матнларни, жумладан таклифнома, таржимаи ҳол, шахсий ва расмий хатларни ва аризалар тўғри ёзиш; эшитган, кўрган ва ўқиган мавзуси асосида қисқа иншолар ёза олиш; гапларни грамматик жиҳатдан тўғри тузиш; жумлаларни бир-бирига боғлаш учун ишлатиладиган боғловчилар, кириш сўзларидан тўғри фойдаланиш; иншонинг тузилиши (кириш, асосий қисм ва</p>

	<p>хулоса), унинг мантиқий узвийлиги ва яхлитлигини таъминлай олиш; ёзма нутқда матн жанрига ҳамда мақсадига мувофиқ расмий ёки норасмий услубни танлаб, ёза олиш; ўз фикр ва мулоҳазаларини лингвистик курс мавзуларидан келиб чиққан ҳолда иншо мавзулари бўйича ёзма равишда аниқ ва мантиқий баён этиш; тушуниш ва муҳокама қилиш учун босқичма-босқич турли матн турлари (ҳикоялар, журнал ва газета мақолалари, янгиликлар баёни, интернет матнлари ва ҳоказолар) билан ишлаш; матнни тушуниш мақсадида турли стратегияларни (асосий фикрларни англаш учун ўқиш, ғояни билиш учун ўқиш, махсус маълумотни олиш учун ўқиш); бадиий адабиётларни (биринчи курсда кичик хикоялар ва шеърлар иккинчи ва учинчи курсдан романлар) шу жумладан, замонавий бадиий матнларни қийналмасдан ўқий олиши ва босқичма-босқич уларда тасвирланган сиёсий, ижтимоий, маънавий, тарихий жараёнларни; ўқиш, тушуниш ва муҳокама қилиш учун берилган катта ҳажмдаги матн билан ишлай олиш ва тегишли хулоса чиқариш.</p>
56-70 (Қони- карли)	<p>Турли жанрдаги ёзма матнларни, жумладан таклифнома, таржимаи ҳол, шахсий ва расмий хатларни ва аризалар тўғри ёзиш; эшитган, кўрган ва ўқиган мавзуси асосида қисқа иншолар ёза олиш; гапларни грамматик жиҳатдан тўғри тузиш; жумлаларни бир-бирига боғлаш учун ишлатиладиган боғловчилар, кириш сўзларидан тўғри фойдаланиш; тушуниш ва муҳокама қилиш учун босқичма-босқич турли матн турлари (ҳикоялар, журнал ва газета мақолалари, янгиликлар баёни, интернет матнлари ва ҳоказолар) билан ишлаш; матнни тушуниш мақсадида турли стратегияларни (асосий фикрларни англаш учун ўқиш, ғояни билиш учун ўқиш, махсус маълумотни олиш учун ўқиш); бадиий адабиётларни (биринчи курсда кичик хикоялар ва шеърлар иккинчи ва учинчи курсдан романлар) шу жумладан, замонавий бадиий матнларни қийналмасдан ўқий олиши ва уларда тасвирланган жараёнларни; ўқиш, тушуниш ва муҳокама қилиш.</p>
0-55 (Қони- қарсиз)	

## **V. ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **5.1. Асосий адабиётлар**

1. Bohlke, D., Zemach, D.E. Skillful 1. Reading and writing. – London: Macmillan, 2013.
2. Rogers, L., Wilkin, J., Zemach, D.E. Skillful 2. Reading and writing. – London: Macmillan, 2012.
3. Scarry, S., Scarry, J. The Writer’s Workplace with Readings: Building College Writing Skills. – Thomson Learning: Sixth Edition, 2010.

### **5.2. Қўшимча адабиётлар**

1. Driscoll, L. Reading Extra. A resource book of multi-level skills activities. – Cambridge: Cambridge University Press, 2004.
2. Fry, E. B. Skimming and scanning Pre-intermediate. – Jamestown: J. Publishers, 2000.
3. Greenall, S. & D. Pye. Reading 1, Cambridge Skills for Fluency. – Cambridge: Cambridge University Press, 2007.
4. Newspapers and magazines (e.g. English Teaching professional, Modern English Teacher, Uzbekistan Today, The Economist, The New Scientist, National Geographic etc.).

### **5.3. Интернет сайтлари**

1. [www.developreading.com](http://www.developreading.com)
2. [www.teachingenglish.org.uk](http://www.teachingenglish.org.uk)
3. [www.online-literature.com](http://www.online-literature.com)
4. [www.literature.org/](http://www.literature.org/)
5. [www.pearsonlongman.com/ae/](http://www.pearsonlongman.com/ae/)

...